

ТУПРОҚШУНОСЛИК ФАНИ

4-МАВЗУ

ТУПРОҚЛАРНИНГ КИМЁВИЙ
ТАРКИБИ ВА ОРГАНИК
КИСМИ, УЛАРНИНГ
АҲАМИЯТ.

РЕЖА:

1. Тупрокдаги органик моддалар манбай ва таркиби
2. Тупрокда гумус (специфик органик моддалар) нинг ҳосил булиши ва у ҳакидаги асосий назариялар.
3. Гумуснинг тупроқ пайдо бўлишидаги ва унумдорлигидаги аҳамияти.

Тавсия этиладиган адабиётлар

Асосий адабиётлар

- ◻ 1. Бобохўжаев И., Узоқов П. Тупроқшунослик. Тошкент, 1995
- ◻ Мираҳмедов Ҳ., Мирюнусов М. Тупроқшуносликдан амалий машғулотлар., Тошкент 1976.
- ◻ 2. Бобохўжаев И., Узоқов П. Тупроқ таркиби, ҳоссалари ва анализи. Тошкент 1990
- ◻ 3. Сайфуддинаева В. Тупроқ кимёсидан амалиё машғулотлар. Тошкент 1992
- ◻ 4. Раупова Н.Б., Камилов Б.С., Содикова Г.С., Қўчқорова Н.П. Тупроқшунослик фанидан лаборатория машғулотлари учун услубий қўлланма (Лотин алифбосида). Тошкент 2012 й
- ◻ 5. Раупова Н.Б., Камилов Б.С., Содикова Г.С. Тупроқшунослик фанидан амалий машғулотлар бўйича услубий қўлланма. Тошкент 2007 й
- ◻ 6. Humberto Blanco Rattan Lal. "Principles of Soil Conservation and Management", с 449,452,453,457,449,488,500 страницы

Қўшимча адабиётлар

- 1. Зиёмуҳаммедов Э.А. Тупроқ органик моддаси ва унумдорлиги. Тошкент 2008.
- 2. Тошқўзиев М.М. Тупрокда умумий гумус ва ҳаракатчан гумус моддалари миқдоридан унинг унумдорлиги кўрсаткичи сифатида фойдаланишга доир услубий кўрсатмалар.
- 3. Атабеков Д.Л. Гумус и его состав в эродированных типичных сероземах и некоторые пути его повышения. Автор.дис. На соиск.уч.степ.канд.с-х.наук. Ташкент 1990
- 4. Тошқўзиев М.М., Зиямуҳаммедов Е.А. Тупроқнинг кимёвий таркибини оптималлаштириш ва унумдорлигини ошириб боришнинг назарий асослари концепцияси ва амалиётга айрим тавсиялар. Тошкент 2004.

Тупроқдаги органик моддалар манбай ва таркиби

Тупроқнинг органик қисми турли хилдаги ва таркибдаги органик моддалардан ташкил топган. Бу органик моддалар ўсимликлар, жониворлар ва микроорганизмларнинг ҳар хил даражада чириган қолдиқларидан ҳамда тупроқнинг ўзига хос моддаси – гумус йифиндисидан иборат. Гумус мураккаб кимёвий таркибли азот сақловчи юқори молекуляр модда комплекси бўлиб, одатда қорамтири тусли ва тупроққа текис сингиб кетган ҳамда минерал қисми билан жуда мустаҳкам бириккан ҳолатдадир.

Тупроқнинг органик моддалари таркибидаги доим турли организмларнинг тирик ҳужайралари ва тупроқ фаунаси (жониворлари) ҳам иштирок этади.

Тупроқлар органик қисмининг таркиби тахминан қуйидаги нисбатда: гумус 85 фоиз, ўсимлик қолдиқлари 10 фоиз, тупроқ флораси ва фаунаси (тирик замбуруғлар, сув ўтлари, бактерия ва актиномицетлар, ёмғирчувалчанглари кабилар) 5 фоиз чамасида бўлади.

ОРГАНИК ҚОЛДИКНИҢ ПАРЧАЛАНИШИ

Органик қолдик
(оксил, углеводлар ва бошқалар)

Парчаланувчи Оралиқ маҳсулотлар
(аминокислоталар, моносахаридлар,
полифеноллар)

Минерализация
 CO_2 , H_2O , NO_3

Микроорганизмлар
оziқланиши

Гумус моддалар
синтези

Тупроқда гумуси (специфик органик моддалар) нинг ҳосил булиши ва у ҳақидаги асосий назариялар.

Тупроққа тушадиган органик қолдиклар турли биокимёвий ва физик-кимёвий жараёнлар натижасида уларнинг асосий қисми охирги маҳсулотлар (CO_2 , H_2O ва оддий тузлар)га қадар оксидланиб минераллашади, бир қисми эса мураккаб ўзгаришларга учраб тупроқнинг ўзига хос гумусли моддаларини ҳосил қиласи. Бу жараёнга *гумусга айланниш* деб аталади.

Гумус ҳосил бўлиши ҳақидаги дастлабки биологик назария асосчиси М.В.Ломоносов ҳисобланади. Олим ўзининг 1761 йилда ёзилган “Чириндининг келиб чиқиши ҳақида” асарида тупроқ чириндиси вақт ўтиши билан ҳайвон ва ўсимлик қолдикларининг чириши” натижасида ҳосил бўлган деб таъкидлайди. Шу даврда швед олими И.Г.Валериус ўзининг “Дехқончиликнинг кимёвий асослари” (1761) асарида чиринди ҳақида дастлабки тушунчани ҳам беради. Кейинчалик П.А.Костичев, Л.С.Майард, В.Р.Вильямс, И.В.Тюрин, М.М.Кононова, Д.С.Орлов, Л.Н.Александрова, Л.А.Гришина ва бошқалар тупроқ гумуси ҳақида ўзининг назарияларини билдиришган.

Хозирги кунда Ўзбекистон тупроқларининг гумусли ҳолати бўйича Сайфутдинова, М.М.Ташқузиев, Е.А.Зиямуҳаммедов, М.Фахрутдинова, Н.Б.Раупова, Н.И.Шадиева ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб бормоқда.

* ГУМУС ҲОСИЛ БЎЛИШ ТЕЗЛИГИ



**Сүғориладиган тупрекларни ҳайдов қатламини гумус билан
таъминланганлик кўрсаткичлари, % ҳисобида
(Тошкўзиев маълумоти бўйича, 2006 й)**

Таъминланганлик кўрсаткичи	Катталиклар чегараси, %
Ўта юкори	>5
Жуда юкори	3-5
Юкори	2-3
Ўртачадан юкори	1,5-2
Ўртacha	1,0-1,5
Кам	0,5-1,0
Жуда кам	< 0,5


РЕСПУБЛИКА ТУРЛИ ТУПРОҚЛАРИ ТИПИДА УЛАРНИНГ ТАРҚАЛИШИ, ИҚЛИМИ, ШАРОИТИГА КҮРА, ДАСТЛАБКИ (ҚҮРИК) ҲОЛАТИДА ГУМУС МИКДОРИ, %

■ Тўқ тусди бўз

■ Типик бўз

■ Оч тусли бўз

□ Саҳро зонаси (суртусли қўнғир, тақирили, ўтлоқитақирили ўтпоки)



МДХ даги тупроқ типлари таркибидаги гумус миқдори

Тупроқ типи	Хайдалма қатламидағи гумус миқдори, %	1 гектардаги гумус зақираси, т. (хар хил тупроқ қатламларида)	
		0 – 20 см	0 – 100 ёки 1 – 120 см
Чимли подзол	2 – 7	53	80 – 120
Подзоллашган кул ранг ўрмон	4 – 6	109	150 – 300
Қора тупроқ: ювилган	7 – 8	192	500 – 600
Қалин қаватли	10 – 12	224	650 – 800
Оддий	6 – 8	137	400 – 500
Жанубий	4 – 5	-	300 – 350
Түк тусли каштан	3 – 4	99	200 – 250
Каштан ва оч тусли каштан	1,5 – 3	-	100 – 200
Бўз	1 – 2	37	50
Қизил тупроқ	5 – 7	153	150 - 300

Тупроқларни гумусли ҳолатининг кўрсаткичлари

Кўрсаткичи	Таъминланиш даражаси	Чекли қийматлари
Гумус микдори, %	Жуда юқори	>10
	Юқори	6-10
	Ўртacha	4-6
	Паст	2-4
	Жуда паст	>2
$\frac{20sm}{100sm}$	Жуда юқори	$\frac{> 200}{600}$
$\frac{20sm}{100sm}$	Юқори	$\frac{150-200}{400-600}$
ли қатламда гумуснинг умумий микдори, т/га	Ўртacha	$\frac{100-150}{200-400}$
	Паст	$\frac{50-100}{100-200}$
	Жуда паст	$\frac{< 50}{< 100}$

Тупроқ гумусининг таркиби ва хоссалари

- Тупроқда ўсимлик ва ҳайвонот организмлари қолдиқларидан иборат кўплаб органик моддалар қолдиқлари тўпланади. Органик қолдиқлар ҳар хил тупроқларда турли миқдорда тўпланади. Одатда, тупроқниң устки қатламларида қуий қатламларига нисбатан органик қолдиқлар кўпdir.
- Ўзбекистон республикаси худудида ўсимликлар қолдиғи миқдори табиий иқлим шароитларига қараб, қуруқ чўл зоналарида бир гектар ерда 0,8 – 1,5 тоннадан, бўз тупроқлар зонаси 4-6 тоннагача етади. Суғориладиган бўз тупроқли ерлардаги бедапояларда 12-14 тоннагача органик модда тўпланади. Бу моддаларнинг бир қисми ҳали тўла чиrimаган ва ўзининг аввалги ҳолатини йўқотмаган органик қолдиқлар бўлса, бошқа бир қисми чириш жараёни натижасида ўзгарган тўқ тусли ва мураккаб таркибли комплекс органик бирикма, яъни гумусга айланган ва тупроқ минерал қисмига шимилиб кетган бўлади.
- Гумус ҳосил бўлишининг энг асосий манбаи яшил ўсимликларнинг ер юзасидаги ва қатlam орасида тўпланадиган органик қолдиқларидир. Тупроқда яшайдиган кўп сонли микроорганизмлар ва умуртқали ҳайвонларнинг қолдиқлари хам маълум даражада гумус тўплаш манбаи ҳисобланади.

■ Тупрекда гумус фақатгина ҳосил бўлмасдан, балки парчаланади ҳам. Гумуснинг парчаланиш, яъни минераллашиш жараёни тупрек реакцияси, намлик даражаси, температура ва аэрация шароитига кўра, ҳар хил тезликда кечади. Нейтрал ва унга яқин реакцияли тупрекларда гумус моддасининг минералланиши анча тез боради. Температура ва намлик даражаси ўртача тупрекларда сер нам ёки қуруқ тупрекларга қараганда гумуснинг минералланиши ва карбонат ангирид пайдо бўлиши жараёни тезроқ ўтади.

■ Тупрек гумуси унинг ҳолатини белгилашда бош мезон ҳисобланади.

■ Рус олимлари И.В.Тюрин, М.М.Кононова, С.С.Драгунов, В.В.Пономарева, Л.Н.Александрова ва бошқаларнинг кўрсатишича гумуснинг таркиби асосан қуйидаги уч гурӯх органик моддалардан иборат:

- 1. Ҳали чиримаган ўсимлик ва ҳайвонот қолдиқлари таркибидаги дастлабки моддалар (оқсиллар, углеводлар, лигнинлар, ёғлар ва бошқалар).
- 2. Гумусга айланаётган оралиқ маҳсулотлар (аминокислота-оксикислота, фенол, моносахарид кабилар).
- 3. Гумус моддалари, чириндининг ўзига хос асосий специфик қисми бўлиб, барча гумус таркибининг 85-90 фоизини ташкил этади. Гумуснинг ўзига хос бўлмаган қисми ҳисобланган биринчи ва иккинчи гурӯх органик моддалар гумуснинг 10-15 фоизини ташкил этади.

ГУМУС МОДДАЛАРИ ТАРКИБИ

ГУМИН
КИСЛОТАЛАРИ

ФУЛЬВО
КИСЛОТАЛАР

ГУМИНЛАР

- Гумин кислоталари циклик тузилишга эга булган азот сақлайдиган юқори молекуляр органик кислота булиб, сувда кам эрийди, минерал кислоталарда эса эримайди. Гумин кислоталари ишқорларда эрийди, улар эритмаси қорамтири рангда булиб, тук жигаррангдан қорагача Узгариб туради.
- Минерал кислоталарнинг водороди ҳамда икки, уч валентли катионлар таъсирида эритмадан чукмага тушади. Гумин кислоталарнинг элемент таркиби углерод (50-62), водород (2,8-6,6), кислород (31-40) ва азот (3-6) фоиздан иборат.

*Ўсимлик ва гумус таркибидаги кимёвий элементлар миқдори
(фоиз ҳисобида)*

	C	H	O	N	Кул элементлар
Ўсимлик таркиби	45	6,5	42	1,5	5
Гумус	58	4,5	28	3	2-8

Гумин кислоталарнинг элементлар таркиби турли тупроқларда бир хил эмас. Қора тупроқлардаги гумин кислотада углерод энг күп булиб, чимли подзол тупроқларда водород купаяди. буз тупроқларда бу нисбатан азотнинг куплиги билан фарқланади (уртacha 4,7 фоиз) ва углерод ҳам бу тупроқда анча күп (61,9 фоиз).

- Фульвокислоталар. Паст концентрацияда оч сариқ, юқори концентрацияда жигарранг сариқ бўлганидан фульвокислота (лотинча fulvos – сариқ) деб атаган.
- Фульвокислоталарнинг элементар таркиби С-41-46, Н-4-5, N-2-4 фоиз бўлиб, кислород, углерод микдорига боғлиқ ва гумин кислотасига нисбатан кўп (40-48 фоиз).
- Фульвокислоталари ҳам гумин кислоталари каби азот сақловчи юқори молекуляр органик кислоталар жумласига киради. Аммо гумин кислотасидан оч рангли бўлиши, углеродни анча кам, кислородни кўпроқ сақлаши, сувда, кислоталар ва ишқорларда эриши билан фарқ қиласди. Сувли эритмаси кучли кислотали ($\text{pH } 2,2-2,8$) хусусиятга эга. Ишқорий ва ишқорий ер металларнинг фульват тузлари (фульватлар) сувда яхши эрийди. Фульватларнинг темир, алюминий билан бириккан комплекси ҳам қисман эрийди.

**Тупролардаги гумин ва фульвокислоталарнинг таркибидағи кимёвий
элементлар миқдори**

Тупроқ номи, олинган намуналар чукурлиги, см	Кулсиз қуруқ моддага нисбатан фоиз хисобида			
	C	H	O	N
	Гумин кислоталар			
Чимли подзол тупроқ; ўрмон ости, 2-12 хайдалма ер 0-10	56,2 56,8	4,8 4,6	34,8 34,3	4,2 4,3
Ишқорсизланган қора тупроқ; қўриқ 2-12 хайдалма ер 0-10	60,0 60,8	3,6 3,4	32,9 32,3	3,5 3,5
Оч тусли бўз тупроқ; хайдалма ер 0-20 Қизил тупроқ 0-20	61,9 59,6	3,9 4,4	29,5 31,5	4,7 4,5
	Фульвокислоталар			
Чимли подзол тупроқ; ўрмон ости 2-12 хайдалма ер 0-10	48,4 46,9	5,1 4,9	43,8 45,9	2,7 2,3
Ишқорсизланган қора тупроқ; қўриқ 2-12 хайдалма ер 0-10	45,3 44,7	4,3 3,8	47,2 47,3	3,2 4,2
Оч тусли бўз тупроқ; хайдалма ер 0-20 Қизил тупроқ 0-20	45,8 49,8	4,3 3,4	46,0 44,3	3,9 2,51

Гумуснинг тупроқ пайдо бўлишидаги ва унумдорлигидаги аҳамияти.

Тупроқдаги органик моддалар тупроқда кечадиган турли жараёнларда, унумдорлигига ва ўсимликларнинг озиқланишида хилма хил рол уйнайди. Гумус таркибида ўсимликлар учун зарур деярли барча элементлар CO_2 , азот, фосфор, кальций, магний, олтингугурт, темир сингарилар борлиги маълум. Ўсимлик ва жониворларнинг нобуд бўлган қолдиқларининг парчаланиш жараёнларида улардаги озиқ моддалар астасекин ажралиб чиқади ва шунинг учун ҳам улар ювилиб кетмай, тупроқ қатламларида мустаҳкам ушланиб турилади.

Гумус тупроқнинг иссиқлик ва сув-физик хоссаларига ижобий таъсир этади. Чиринди тупроқнинг минерал заррачаларини бир-бирига мустаҳкам бириктириб, уни донадор структурали ҳолатга келтиради. Структурали тупроқлар сувни яхши ўтказиб, кам буғлантиради, унда ҳаво етарли ва температура режими ҳам қулай бўлади.

Гумус микдори кўп бўлган тупроқлар тез етилади, механик хайдашда кам куч ва энергия сарфланади, тупроқ зичлиги камаяди.

Тупроқнинг физик-кимёвий хосалари органик моддалар микдорига бевостида боғлиқ ҳолда ўзагаради. Гумус биринчи галда азот манбаи бўлиб, ўсимлик ўзи учун зарур азотнинг 50 фоизини тупроқ захриасидан олади. Тупроқдаги органик моддалар минерал ўғитларнинг самарадорлигини оширади.

Тупроқнинг биологик фаоллиги ундандағи органик моддалар билан бевосита боғлиқ. Гумуси кўп бўлган тупроқларда микроорганизмлар ва умуртқасиз жониворларнинг турлари ниҳоятда хилма-хил.




Fig. 1 Schematic of plant decomposition through microbial biomass in the formation of soil organic matter. (Adapted from Ref.^[7].)




Figure 2.8. The role of soil organic matter in the carbon cycle.

CHAPTER 2 ORGANIC MATTER: WHAT IT IS AND WHY IT'S SO IMPORTANT




Figure 2.3. Adding organic matter results in many changes. Modified from Oshins and Drinkwater (1999).






Figure 2.6. Changes in soil surface and water-flow pattern when seals and crusts develop.




Figure 3.6. Organic matter changes in soil as practices favoring building are implemented. Redrawn and modified from Angers (1992).




Figure 2.9. The role of organic matter in the nitrogen cycle.

Table 3.1
Effects of Erosion on Soil Organic Matter and Water

Soil	Erosion	Organic Matter (%)	Available Water Capacity (%)
Corwin	slight	3.03	12.9
	moderate	2.51	9.8
	severe	1.86	6.6
Miami	slight	1.89	16.6
	moderate	1.64	11.5
	severe	1.51	4.8
Morley	slight	1.91	7.4
	moderate	1.76	6.2
	severe	1.60	3.6

Source: Schertz et al. (1985).




a) corn silage



b) corn grain

Figure 3.4. Soil surface after harvest of corn silage or corn grain. Photos by Bill Jokela and Doug Karlen.

«Нима учун?» чизмасини түзиш қоидалари



1. Айлана ёки түғри түртбұрчак шакллардан фойдаланишни үзингиз танлайсиз.
2. Чизманинг күринишини - мулоҳазалар занжиринитүғри чизиқлами, түғри чизиқли эмаслигини үзингиз танлайсиз.
3. Йўналиш кўрсаткичлари сизнинг қидиувларингизни: дастлабки ҳолатдан изланишгача бўлган йўналишингизни белгилайди.

“NIMA UCHUN” CXEMASI - TUPROQDA GUMUS MIQDORINING KAMAYISHI

**Tuproqda gumus
miqdorining
kamayishi**

Nima uchun?

Global iqlim o'zgarishi

Nima uchun?

**Namlikning bug'lanishi
natijasida kamayishi**

Nima uchun?

**O'simlik
qoldiqlarining
kamayishi**

Nima uchun?

**Organik moddalar
kam to'planadi**

Nima uchun?

**Tuproqning biologic
faolligi kamayadi**

Nima uchun?

**Mikroorganizmlar
miqdorining
kamayishi**

Nima uchun?

**Tuproqda
gumifikatsiya
jarayoni susayadi**

Nima uchun?

**Insonning tiproqqa
noto'g'ri munosabati**

ETIBORINGIZ UCHUN RAXMAT!

